

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
16 апрел,
жума
№ 14 (839)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

САМАРҚАНДИНИҲ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 15 апрель куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудга бундан олдинги ташрифи 2019 йилнинг январь ва июль ойларига тўғри келган эди.

Ташрифлар чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари қўламини кенгайтириш, sanoat, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда дастурлар ва уларни амалга ошириш "йўл харита"лари тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўтган йил пандемия айрим лойиҳаларни амалга ошириш, қурилиш ишлари суръатига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёзлар туфайли белгиланган режа ва дастурлар ўз вақтида бажарилди.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда қиймати 580,3 миллиард сўмлик 100 та лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлса, амалда 832,1 миллиард сўмлик 248 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 800 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Жумладан, sanoat-да 55 та, хизматлар соҳасида 114 та, қишлоқ хўжалигида 79 та лойиҳа татбиқ этилди.

Президентимизнинг вилоятдаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида 1967 йилда қурилган ушбу "хаво бандаргоҳи"ни модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Лойиҳа доирасида янги терминал, учим-қўниш йўлаги, тураргоҳ ва бошқа объектлар барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунда узунлиги 3 минг 105 ва эни 60 метр бўлган учим-қўниш йўлаги қурилиши тугалланиб, ёритиш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатилмоқда.

Президент дастлаб халқаро авиация стандартлари асосида қурилган учим-қўниш йўлагини кўздан кечирди.

Янги терминал замонавий дизайнга, бир соатда 1000 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 400 нафар эди.

Одамларга қулайлик яратиш асосий мақсад бўлиши керак. Бунинг учун "ақлли технологиялар"ни қўллаш, хизматларни арзон, сифатли, тезкор қилиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Турли ҳажмдаги самолётлар учун 24 та тураргоҳ барпо этилмоқда. Шундан учтаси "хаво кемалари"га музолашга қарши ишлов бериш учун мўлжалланган бўлади.

Аэропортда қаро хизмати ҳам йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юк ташиш рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Қаро барқарор ва манфаатли бўлиши учун доимий юк керак. Бунинг учун самолётларга хизмат кўрсатиш, юкларни орттириш ва етказиб беришни арзон ва тез йўлга қўйиб, бошқа авиакомпанияларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари вилоятда экспортбон мевасабзавотларни кўпайтириб, уларни шу қаро орқали жаҳон бозорига чиқариш мумкин, — деди Президент.

Янги аэропортни жорий йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан сўнг у "очиқ осмон" режимида тўлиқ ишлай бошлайди. 1000 киши иш билан таъминланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

— Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, ислом оламидаги макомига муносиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмнинг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келса ҳам, қулай шароит бўлиши зарур, — деган эди Шавкат Мирзиёев ўшанда.

Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент ҳузурда бир неча бор тақдирот қилиниб, такомиллаштирилди. Жаҳон таърибаси ҳам ўрганилди.

2021 йил муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳини қурилиши бошланди. Шу муносабат билан бу ерда нуронийлар ва зиёлилар билан учрашув бўлди.

Шавкат Мирзиёев мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан муборакбод этди.

— Рамазон ойи — эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилиш шу ойда бошалаётганимиз ҳам хайрли, ҳосиятли бўлади, қалбимизга таскин беради. Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад — исломга эътиқодимизни, аллоҳа боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч, — деди Президент.

Ўтган йили пандемия туфайли Рамазон ойида диний амалларни уйда бажаришга тўғри келгани ёдга олинди. Бу йил эса масжидларимиз очик, мўмин-мусулмонлар карантин қоидаларига қатъий амал қилиб, ибодатларини адо этмоқда. Кексалар, ногирон ва

ёрдамга муҳтож инсонлар, кам таъминланган оилаларга бегараз кўмак кўрсатишмоқда. Айниқса, бутун дунё оғир инқирозни бошидан кечириётган ҳозирги мураккаб вазиятда бу жуда муҳимлиги таъкидланди.

— Муқаддас динимиз бизни инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикни қадрлаб яшашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Мана шундай тушунча ва қараш билан ҳар бир оила ва маҳаллада, бутун жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эриша оламиз. Такрор айтман, тинчлик ва соғлиқ бўлса, қолган ҳамма нарса бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Иш ўринларини кўпайтириб, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида сўз юритилди.

— Тўрт йиллик изланиш, янгиланиш ва синовлардан ўтиб, катта тажриба орттирдик. Халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Рамазон ойининг олижаноб ғоялари, муқаддас амаллари ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқаришда мустаҳкам замин бўлади, — деди Президент.

Қуръон оятларидан ўқилиб, дуо қилинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Бу ерда катта масжид, тўртта симетрик минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда ҳиббон бўлади. Кўп сонли зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш учун 7 та меҳмонхона, 3 та автотураргоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Шунингдек, ошхоналар, хунарамандчилик буюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кушхона қурилиши белгиланган.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Хадис илми мактаби ташкил этилган эди. Қурилажак янги мажмуа улар билан мутаносибликда улкан маскан ҳосил қилади. Энди бу ерда зиёратчилар учун ҳамма шароитлар бўлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

Марҳумнинг ҳақиқа Қуръон тиловат этилди.

Ўтганларни яхши амаллари билан эслаш, руҳларини шод этиш муқаддас қадриятларимиздандир. Уламолар билан суҳбатда Ислам Каримовнинг ана шундай инсоний фазилатлари ёдга олинди.

— Ислам Абдуганиевич камтар инсон эдилар. Бу макбара ҳам ўзларига му-

носиб бўлган. Бу ерда меҳр берганмиз. Биринчи Президентимиз бошлаган ишларни давом эттираямиз. Руҳлари шод бўлсин, илоҳим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аллоҳдан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик тилаб дуо қилинди.

Самарқанд — қадимий шаҳар. Унинг тарихий қиёфасини сақлаш муҳим бўлганидек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун шароит яратиш ҳам керак. Шу боис шаҳар чеккасидаги Қорасув мавзесида кўп қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Ҳозир шаҳарнинг учта ҳудудида шундай аҳоли турар жойлари ташкил этиш белгиланган бўлиб, Қорасув уларнинг дастлабкисидир. Шу вақтга қадар Самарқанд шаҳрида 12 қаватдан юқори бинолар қурилмаган. 2018 йилдан мазкур массивда замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида кўп қаватли уйлар қурилишиги киришилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда вилоятга ташрифи чоғида бу ердаги дастлабки уйларни кўздан кечириб, янги лойиҳалар тақдироти билан танишган эди. Ўтган даврда бу лойиҳалар ҳаётга кўчди. "Agromir Buildings" масъулияти чекланган жамияти томонидан мавзеда 16, 15, 14 ва 12 қаватли жами 47 та турар жой қурилди. Уларда 3 минг 588 та хонадон бор.

Турар жойларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлиб, бу хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Биноларга видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган. Уйлар эгаларига тайёр ҳолда топширилмоқда.

Умуман, Қорасув мавзесида қурилган кўп қаватли уйлар сони бугунга келиб 116 тага етди. Шунингдек, бу ерда 1 минг 600 ўринли мактаб, 120 ўринли болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо дўконлари, ўйин ва спорт майдончалари барпо этилган.

Жорий йилда яна 7 та 16 қаватли, 2 та 25 қаватли уйлар қурилмоқда.

Мутахассислар кўп қаватли турар жойлар қурилиши бўйича концепция ишлаб чиққан бўлиб, бунда сейсмик устуворлик юқори ҳисобланади. Қорасув массиви 8 балли сейсмик ҳудудга киради. Янги биноларни қуришда бу каби техник талаблар ҳисобга олинган ҳолда, 9 балли зилзилага чидамли қилиб бунёд этиляпти.

Давлатимиз раҳбари уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларининг сифатига алоҳида эътибор қаратди. Қурувчи ташкилотнинг сифат учун масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтирадиган механизм ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда) ►

Ижтимоий ҳимоя — кенг маънода мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар жамғуридир.

Ислоҳот ва самара

Ижтимоий ҳимоя — устувор вазифа унда инсон манфаатлари муҳассам

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимояни давлат ўз зиммасига олади. Айтиш жоизки, ушбу масала Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати амалга

оширилмоқда. Бинобарин, кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон тараққиётининг етакчи тамойили ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асоси яратилди ва мустаҳкамланди. Бу тамойиллар Конституцияда қафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди.

(Давоми 3-бетда) ►

Муносабат

Муддати ўтган дебитор қарздорлик муаммо ва уни ҳал этиш учун тақлиф



Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тадбиркорликни ривожлантириш ва жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича видеоселектор йиғилишида мутасадди ташкилот раҳбарларига бир ой муддатда экспорт валютаси ўз вақтида келмагани учун жарима миқдорини икки бараварга қисқартириш тақлифини киритиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари билдирган ушбу тақлиф хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт ҳамда импорт қилиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун ўта муҳим аниқлик бўлди.

(Давоми 3-бетда) ►

Маълумки, меҳнатга доир низоларни қонуний ҳал этиб, адолатли қарор топтириш фуқаролик ишлари бўйича судлар зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади. Шунинг учун меҳнат ҳуқуқи бузилган фуқаролар аввало судга мурожаат қилади.

Қонун қўмағи



суд ноқонуний бўлган ҳодимни ишга тикланди

Бувайда туманида яшовчи Озодхон Парпиева ҳам меҳнат ҳуқуқи бузилган, шундай йўл туғди. О.Парпиева 2019 йил 17 ап-


рель куни "Халқ банки"нинг Бувайда тумани филиалига сайёр касса кассири вазифасига ишга қабул қилинади.

(Давоми 4-бетда) ►

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳимоясида бўлиш, яъни ишни судга қадар юритиш босқичида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишини қафолатлаш, "Хабас корпус" институтини амалда қўллашни кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда халқаро стандартлар ва илғор хорижий таърибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Тақлиф

Суриштирув ва дастлабки терговда суд назоратини кенгайтириш



Шу билан бирга, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлаш юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов органлари устидан суд назоратини кучайти-

риш мақсадида мазкур органлар қарорлари юзасидан судга шикоят қилиш тартибини аниқ белгилаб қўйиш зарурати юзага келмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Инсонпарварлик тамойиллари

Судда айби исботланмаган шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича қатъият билан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ҳақдаги эканини амада намоён этмоқда. Айниқса, кейинги тўрт йил давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги дадил қадамлар халқимизда ҳақиқатнинг бардавонлиги, адолатнинг барҳақлиги ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч янада мустаҳкамламоқда.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 9-моддасига мувофиқ, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилимиш учунгина жавобгарликка тортилади. Бироқ жиноят ишларини судларда мазмунан кўриш чоғида суриштирув ва дастлабки тергов органлари



томонидан бир қатор хато-камчиликларга йўл қўйилган ҳолатлар аниқланмоқда.

Хусусан, Бухоро вилояти миқсолида олиб қарайдиган бўлсак, 2019 йилда 126 нафар шахсга нисбатан 78 та, 2020 йилда 89 нафар шахсга нисбатан 64 та жиноят иши бўйича ортиқча айблов қўйилган. 2019 йилда 139 та жиноят иши бўйича 109, 2020 йилда 121 та жиноят иши бўйича 169 нафар шахсга нисбатан эълон қилинган айбловлар судлар томонидан бошқа енгилроқ моддаларга малакаланган.

Одил судлов мезони — оқлов ҳукмлари эндиликда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим асосига айланди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки,

жинуят ишлари бўйича Бухоро вилояти, туман-шаҳар судлари томонидан 2019 йилда 58 нафар шахсга нисбатан 36 та, 2020 йилда 44 нафар шахсга нисбатан 37 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукмлари чиқарилган. Ўтган икки йилда биринчи босқич судлари 7 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмини эълон қилгани ҳам ислоҳотлар самарасидир.


Фикримизни бир жиноят иши тафсилоти асосида давом эттирадиган бўлсак, биринчи босқич судининг 2019 йил 10 майдаги ҳукми билан Янгибўй Худдиёев ва Гофиржон Яғзийев (исм-шарифлар ўзгартирилган) судланган.

(Давоми 2-бетда) ►

Таклиф

Суриштирув ва дастлабки терговда суд назоратини кенгайтириш:

хорижий тажриба, миллий амалиёт ва қонунчилик бўйича таклифлар



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 338-моддасига кўра, шахс терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг иш кўзгастириши рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан суриштирувчи, терговчининг иш кўзгастириши рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан эса, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексидики жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқариш билан дастлабки тергов ахбороти мумкинлиги белгиланган. Кодекснинг 374-моддасига кўра, терговчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига, шунингдек, иш қорхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан қўзғатилган бўлса, шу қорхона, муассаса, ташкилот вакилига ёхуд фуқарога хабар қилади. Айни вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга экани тушунтирилади.

Мазкур қоидалар жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш масаласи юзасидан берилган шикоятни кўриб чиқиш фақат прокурор ваколатига киришишни аниқлаётди. Бироқ ушбу тартиб манфаатдор шахсларнинг суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг жиноят ишини қўзғатиши, уни қўзғатишни рад этиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлар устидан бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқини чеклайди.

Ваҳоланки, Конституция-мизнинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган.

Хорижий давлатлар, хусусан, Россия Жиноят процессуал кодексининг 125-моддаси шикоятни суд тартибидида кўриб чиқиш масалаларига бағишланган. Ушбу моддага кўра, туман судлари ваколатли органларнинг жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Суд шикоятни 5 кунлик муддат ичида кўриб чиқади. Бунда суд чиқарилган қарорларнинг қонуний ва асосли эканини текширади.

Қозғоғистон Жиноят процессуал кодексининг 106-моддасида жиноий таъбиқ органлари ва прокурорнинг қарори ва ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан келтирилган шикоятларни суд тартибидида кўриб чиқишга доир нормалар акс

этган. Бу модда талабига кўра, шахс жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги тегишли органнинг қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин. Шахс тегишли органнинг қарори ёки прокурорнинг шикоятни қаноатлантириши рад этгани тўғрисидаги қарорини олган кундан бошлаб 15 кунлик муддат ичида тегишли туман судига шикоят қилиши кўзда тутилган.

Финляндия Жиноят процессуал қонунининг 1-боби 9(а)-моддасига кўра, прокурор ушбу қонуннинг 7 ёки 8-моддасидаги асосларга таянган ҳолда, устидан дастлабки тергов амалга оширилмаётган шахснинг илтимосига кўра, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса, қарорни кўриб чиқиш учун судга топширади.

Мазкур қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, агар прокурор жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, жабрланган тараф муштақил равишда жиноят учун айблов эълон қилиши мумкин. Жабрланган тараф айблов бўйича терговни амалга оширишни ўз зиммасига олса, у бу ҳақда судни ёзма равишда огоҳлантириши талаб этилади.

Молдова Жиноят процессуал кодексининг 8-бобида "Судга бўлган процессуал ҳаракатлар устидан суд назорати", Арманистон Жиноят процессуал кодексининг 39-бобида "Суд иш юритишга қадар суд назорати", Озарбайжон Жиноят процессуал кодексининг 111-бобида "Суд назоратини амалга ошириш" билан боғлиқ моддалар қайд этилган.

Жиноят иш қўзғатиши рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатининг судларга берилиши дастлабки тергов жараёнида қуйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- манфаатдор шахсларда жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор юзасидан прокуратурадан давлат бошқа ваколатли давлат органига мурожаат қилиш имконияти яратилади;
- дастлабки тергов фаолиятидаги жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш ҳамда жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ масалаларни фақат бир орган томонидан ҳал этиш амалиёти тугатилади;
- жиноят ишларининг қонуний ва адолатли кўриб чиқиши таъминланади.

Шу нуктаи назардан, суриштирув ва дастлабки терговда суд назоратини кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз Жиноят процессуал кодексига суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қарорлари устидан шикоятларни судга кўриб чиқиш тартибини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Равшан НУРМАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтини масъул ходими

САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Ривожланган давлатлардагидек уйлар қуришни ўзлаштириш, энди хизмат кўрсатишни ҳам шунга яраша яхшилаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Чет эл тажрибаси асосида сервис турларини кенгайтириш, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи қорхона ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус пункт ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу ерда Самарқанд шахри Бош режаси ва шаҳар ҳудудини кенгайтириш лойиҳасини тақдироти ўтказилди.

Хусусан, "Ширин" маҳалласида 90 минг аҳоли учун янги шаҳарча лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу ерда 1 минг 788 та яқна тартибдаги уй-жой бор. Янги лойиҳа бўйича турли ижтимоий соҳа объектлари, замонавий кўп қаватли уйлар бунёд этилиб, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгаради.

Шунингдек, шаҳарнинг темир йўл орти ҳудудига жойлашган, етти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган "Меҳнат", "Матонат" ва "Майсазор" маҳалла фуқаролар йиғинларида кўп қаватли турар жойлар, дам олиш масканлари, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши лойиҳалари ҳам ўзига хос архитектура талаблари, янги динлар ва қулайликларни ўзиди ҳаммаган. Бу ишларнинг амалга ошириш билан ҳудудда 13 мингдан ортиқ аҳоли учун 208 та кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа объектлар қад ростлайди. Мақсад — аҳоли учун қулайлик яратиш, инфратузилмасини яхшилаш ва Самарқандни миллионли шаҳарга айлантиришдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида барпо этилаётган туризм маркази қурилишини кўздан кечирди. Ушбу мажмуа Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда қурилмоқда. Лойиҳага кўра, бу ерда 10 та иншоот, жумладан, конгресс-холл, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари бўлади. Айни пайтда конгресс-холл, "Абадий шаҳар" қарвон саройи ва 8 та меҳмонхона бунёд этилмоқда. Меҳмонхоналарнинг икитаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади.

Маълумки, Самарқандда меҳмонхоналар кўп бўлишига қарамай, сайёҳлар оқими кўпайганда ўринлар етишмай қолади. Масалан, 2019 йилда шаҳардаги барча отеллар банд бўлган. Давлатимиз томонидан туризм

ривожига катта имкониятлар яратилаётгани, 90 га яқин мамлакат фуқароларига визасиз режим жорий қилингани сайёҳларни янада кўпроқ жалб этмоқда.

Қурилаётган марказ туристик ҳаёга айланади. Бу ерда халқаро анжуманлар ўтказиш учун ҳам кенг шароит бўлади. Уни 2022 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимизга мазкур янги сайёҳлик маркази имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқанднинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари тақдироти қилинди.

Самарқанд шахрида илк бор гастрономик кўча, Самарқанд тумани "Кониғил" маҳалла фуқаролар йиғинида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғи ташкил этилди. Бундай масканлар сайёҳларнинг вилоятда қилиш вақтини узайтириш билан бирга, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига даромад манбаи яратишда муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур туристик марказни шаҳар билан боғлайдиган йўл ўтказгични бориб кўрди, Уста Умар Жўрақулов ва Афросиёб кўчаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев "Урган" эркин иқтисодий зонасидаги қорхоналар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармони яқин асосан ташкил этилган мазкур иқтисодий зона мажмуи хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, иш ўринлари очишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда "Урган" эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ушбу қорхоналар томонидан газ плиталари, ёнғил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гитгана воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрла-

ниб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

Президентимиз иқтисодий зона ҳудудидаги "Kamalak Tekstil" қорхонаси фаолияти билан танишди. Урган туманининг Мерганча массивида жойлашган ушбу ширкатда гилам ва тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқарилмоқда.

Қорхонага Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция ва Германия давлатларининг замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлари ўрнатилган. 328 та иш ўрни яратилган. Урган йили бу ерда тайёрланган 170 миллион сўмлик маҳсулотнинг 59 фоизи ички бозорга, 41 фоизи хорижга сотилган. Жорий йилда 7,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай қорхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент "Сам электросервис" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларини ҳам қўздан кечирди.

Қорхона "Идеал" бренди остида йилга 260 минг дона электр духовка, 150 минг дона газ плиталари ва улар учун қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Унга Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилган.

2020 йилда умумий қиймати 58 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг 32 фоизи хорижга экспорт қилинган. Жорий йилда 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Маҳсулот турларини кенгайтириш, замонавий электр техникалари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

"Урган" эркин иқтисодий зонасида айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида яна 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари қиймати 144 миллион долларлик 21 та қўшимча лойиҳа шакллантирилган, 206 миллион долларлик 33 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий зона имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасад-

диларга топшириқлар берди.

Шу ерда самарқандлик нурунийлар билан мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти, Жомбой туманидаги "Sag Agro" масъулияти чекланган жамиятининг "In vitro" лабораториясини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини инновацион ривожлантириш мақсадида лабораториялар ташкил этилмоқда. "Sag Agro" масъулияти чекланган жамиятининг лабораторияси ана шундай замонавий мажмуалардан бири.

Умумий қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа 2019 йил ишга туширилган. Натижада илгари хориждан олиб келинган мева ва манзарали дарахт қўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу усул икки жиҳатдан жуда муҳим. Биринчиси, четдан келтирилаётган қўчатлардаги турли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олди олинади. Иккинчиси, маҳаллий лабораторияда етиштирилган қўчатлар хорижникига нисбатан бир неча баробар арзон бўлади. Масалан, шу пайтгача чет элдан олиб келинган ёнғоқ қўчатининг бир донаси 5 доллардан 20 долларгача бўлган бўлса, бу ерда етиштирилаётгани 3-3,5 долларни ташкил этади.

Агротехника ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган бўлиб, тупроқ, сув ва бағр намуналарини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунинг самарадорлиги шундаки, боғдорчилик ҳўжалиқларининг тупроқ шароити ўрганилиб, унга мос қўчатлар тавсия қилинади. Натижада қўчатлар хатосиз униб, мўл ҳосил етиштирилади.

"In vitro" учун 24 гектар ер ажратилган бўлиб, 2 гектарда замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар майдонда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мева ва дарахтлар қўчати олиб келиниб, парвариш қилинади.

Лабораториянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион донагача пайвандтаг ҳамда пайвандланган қўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбон меваларнинг касалликлдан холи, иқлим шароитимизга мос қўчатлари етиштирилмоқда.

— Бу қўйилган қиймат яра-

тишда инқилобий усул. Биз ўттиз йил шунга интилдик. Илмий ёндашув билан самарадорлики ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 2 миллион донатурли мева ва манзарали қўчат етиштириш режалаштирилган. Йил якунига қадар, шунингдек, 500 минг дона ёнғоқ ва бодом қўчатларининг истиқболли мева пайвандтагларни қилинади.

Лаборатория 2024 йилда тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобига бу ерда йилга 20 миллион дон қўчат етиштириш йўлга қўйилади. 2023 йилдан қўчатлар экспортга чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу лаборатория ва иссиқхонада 140 та янги иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ёш мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Келаёғимиз — сизларнинг илмингиз. Ҳозирги давр талабини кўраёспизлар. Мен ёшлар форумида айтганимдек, илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик. Шундай экан, кўпроқ ўқинглар. Бугун қайси ёш ўзини қийнаб, билим олиб, тажриба орттирса, келажақда албатта натижа бўлади, — деди Президент.

Шу ерда вилоят қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Ўзбекистонда пистанинг янги серхосил 12 нави яратилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўрмон ҳўжалиги тизимида павлония етиштириш ҳажми кенгайтирилиб, ундан мамлакатимизда биринчи марта мебелё ишлаб чиқарилиди. Павлониянинг лавада, годжи каби маҳаллий иқлим шароитида мос 8 та турини етиштириш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари павлония дарахти етиштиришни кўпайтириш, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, зарур маблағ ажратиш бўйича топшириқ берди.

Ўрмон ҳўжалиги ерларини келгусида узоқ муддатли ижарага бериш орқали маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулло МУСАЕВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ғолиб ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари

Инсонпарварлик тамойиллари

Судда айби

Ҳ.Файзиёв 185 миллион 378,1 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги давлат мулкни ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан талон-торож этган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, биринчи босқич суди иш ҳолатларига етарли баҳо берганими? Судланувчиларнинг вазияти қанчалик ўринли?

Бу каби саволларга апелляция судлов ҳайъати очик суд мажлисида жавоб топилади. Масалани Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари ойдинлик киритади. Чунки ушбу моддага кўра, суд жиноят ўқи бергани, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши, исботлашни лозим ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиш, ишда юзга келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ёки судланувчининг ҳақиқатини аниқлаш ва ҳисобга олиши лозим. Бу талаб Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳужми тўғрисида"ги қарори 4-бандида ҳам ўз аксини топади.

Апелляция судлов ҳайъати биринчи босқич суди судланувчиларга нисбатан айблов ҳужми чиқаришда ушбу қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилмаган, деган қатъий тўхтамга келди.

Қонун мазмунига кўра, ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Бу ўринда айбдор ўзининг ҳаракатлари ноқонунийлигини аниқлаш, унинг амалга оширилишини хоҳлайди. Айбдорнинг ушбу жиноятни содир этишдаги гаразли мақсади субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Баён этилганидек, судланувчилар мактаб биноларини бузиш орқали жуда кўп миқдордаги давлат мулкни ўзлаштириш ва растарата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда айбдор деб топилган. Афсуски, жиноят ишда эски биноларни бузишдан чиққан қурилиш материаллари ўзлаштириш ёки растарата йўли билан талон-торож қилинган гувоҳларнинг кўрсатмалари, тафтиш далолатномалари, бухгалтерия ҳужжатлари ёхуд бошқа мақбул далиллар билан исботланмаган. Қолаверса, суд Я.Худдиев ва Ҳ.Файзиёвнинг айбсизлиги ҳақида келтирган важраларга баҳо бермаган.

Апелляция инстанцияси очик суд мажлисида Я.Худдиев туман ҳокимининг 3, 9, 11, 12, 13, 21, 22, 29 ва 41-сонли мактабларнинг эски биноларини бузиш тўғрисидаги қарорига асосан 2018 йилнинг 21 май кунин буйўқ чиқарилган, бузиш ишларини назорат қилиш мақсадида ўн бир кишидан иборат ишчи комиссия тузилган, ишчи комиссияси таркибига Ҳ.Файзиёв комиссия котиби сифатида киритилганини маълум қилди.

Я.Худдиев Ҳ.Файзиёвга эски биноларни ҳатловдан ўтказиш, бузиш учун ҳаражатлар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, бузиш ишлари билан боғлиқ барча ҳужжатларни расмийлаштириш, бузишдан чиққан қурилиш материалларини сотувга чиқариш вазифаларини топширган. Ҳ.Файзиёв бўлим ҳисоб рақамидида маблағ йўқлигини айтган, ноқорликдан бузиш ишларини амалга оширувчи қурилиш ташкилотлари раҳбарлари билан келишилган.

Улар "Бухоротаъмирлоиҳа" масъулияти чекланган жамиятига пул тўлаб, биноларни бузиш ҳаражатларининг смета-лоиҳа ҳужжатларини тайёрлаган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ташкил этилиши, қолаверса, Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада юртимизда қамбағалликни қисқартириш ечимини қутаётган долзарб масала сифатида кун тартибига олиб чиқилгани бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилаётганидан далолатдир. Чунки қамбағаллик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида иқтисодий ривожланиш жараёнида моддий ва номоддий имтиёزلардан фойдаланиш ҳамда даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликнинг оқибати сифатида изоҳланади. Инсоният янги минг йилликка қадам қўйган йилда БМТ томонидан қабул қилинган Декларацияда ҳам қашшоқлик ва очликка барҳам бериш биринчи мақсад сифатида кун тартибига бежиз қўйилмаган.

Ўтган йил сарҳисобиди мамлакатимизда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилди. Жумладан, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" асосида манзилли ишлаш йўлга қўйилди.

Ушбу тизим орқали 527 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди. Ижтимоий нафақа олувчилар сони 2 баробарга, яъни 1,2 миллион нафарга кенгайди. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилга нисбатан бюджетдан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Ўз-ўзини банд қилган аҳолига солиқ имтиёзларининг берилиши, кўплаб чекловларнинг бекор қилиниши натижасида 500 минг нафар кишининг расмий бандлиги таъминланди. Деҳқон хўжалиқлари ва томоҳа ер эгалари учун 300 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилди.

Меҳнат муносабатларига оид қонунчилик тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, 2021 йил 20 январдан қўлдан кирган "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун амалдаги 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар

Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташки меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатларида қўзда тутилган ҳуқуқий нормалар ва янги молиявий механизмларни ўзида жамлаган.

Қонунда ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш аҳоли бандли-

хим рақамларга қаратсак. Зеро, самара таққосларда яққол кўзга ташланади.

2018 йилда мамлакатимиз бўйича касб-хунарга ўқитилганлар сони бор-йўғи 7 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг шу давригача бу кўрсаткич 70 минг нафарга етди. Йил охирига қадар касб-хунарга ўқитилганлар сони 150 минг нафарга ошириш кутилмоқда.

хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётганлар сони ўртача 1,7 миллион нафарни ташкил этади.

Этиборлиси, ўтган йиллар ичида меҳнат бозорига қатор жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробар, иш берувчилар сони эса, 4,5 баробар ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 мартдаги қарорига биноан хорижда ишлаш

кредитлаш тизими жорий этилди. Вазирлик ва тизим ташкилотларининг тузилмаси бозор иқтисодиёти таъминотида қатъий қарор қилинган.

Япониянинг "Fuji Inter Study" компанияси билан ҳамкорликда "Ишга марҳамат" мономарказида "Япон тили ва касбий малака" тест маркази ташкил этилди. Ушбу тестларга тайёрлов курслари йўлга қўйилди. Бирлашган араб амирликларининг "Tadbeer" рекрутинг маркази томонидан бепул инглиз тилига ўқиш йўлга қўйилди. Келгусида марказ Гулистон шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида ҳам иш бошлайди.

Россия Федерациясининг Меҳнат мигрантларига ҳуқуқий қўмаклашиш халқаро асоциацияси ва Пайвандчилик назорати миллий агентлиги билан ҳамкорликда Фарғона шаҳрида пайвандчилар мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Хитойнинг "Petrochina Zhuo-Hua" (Далаянь) Petrochemical Co. Ltd. компанияси билан ҳамкорликда "Uzbek-China Professional Training Center" ўқув маркази ташкил қилинди. Марказдаги бепул малака ошириш ўқув курсларига пайвандчилик йўналишида ўқитувчилар жалб қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартда қабул қилинган "Хотин-кизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида аёллар бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга оид қатор янги вазифалар белгилаб берилди. Бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Хулоса ўрнида айтганда, бундай ўзгариш ва янгиликлар кўп. Улар бугун юртимизда ижтимоий ҳимоя борадасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани, фуқаролар манфаати устувор эканидан далолатдир.

Мавлуда ХҲЖАЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси

Муносабат

Муддати ўтган дебитор қарздорлик

муаммо ва уни ҳал этиш учун таклиф

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Низомда чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк кунли белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоиз;

180 кундан 365 кунгача кечикканда — 20 фоиз;

365 кундан ортиқ кечикканда эса, 70 фоизга тенг миқдорда бюджет даромадида қўшимча жарима тўлаши белгиланган.

Шу билан бирга, Низомда ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун фақатгина тўртта ҳолатда, яъни:

— жарима қўллаш ҳақидаги аризада кўрсатилган контрактлар бўйича "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман репатризация қилинган активлар суммасига нисбатан;

— асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи бўйумлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида товарларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 календарь кундан ортиқ белгиланган бўлса;

— чет элдаги корхона номига олиб чиқилган ҳамда транспортда ташиш ва сақлаш жараёнида экспортчи ва чет элдаги корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, яроқсиз бўлиб қолган ёки импорт қилувчи давлат органи томонидан мусодара қилинган товарларга тегишли ваколатли органининг экспертизаси далолатномаси ва (ёки) товарлар турган мамлакат божхона органининг божхона назорати остида уларнинг йўқ қилингани ёки мусодара қилингани тўғрисидаги тасдиқномаси тақдим этилганда;

— айна бир қарздорлик предмети ва товарлар, ишлар, хизматларнинг амалдаги экспорт ва импорт ҳажми бўйича такрорий жарималар қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Низомдаги мазкур нормалардан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларига, гарчи уларнинг айби бўлмаса-да, ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган учун молиявий жарима қўлланилиши ҳолатлари мавжуд. Бу эса, тадбиркорлик субъектларининг ҳақи эътирозига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун давлат солиқ божқармаси иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйгани учун "FAVORA" масъулияти чекланган жамиятига (тадбиркорлик субъектларининг номи ўзгартирилган) нисбатан Низом талабига асосан 509 миллион 377 минг 304 сўмлик молиявий жарима қўллашни сўраган.

Масъулияти чекланган жамияти шартнома шартларини бажармаган хорижий шेरригидан молиявий жарима

қўллашга асос бўлган муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириш тўғрисида иқтисодий судга даъво аризаси берган. Суднинг ҳал қилув қарори билан "Урал-Сервис" масъулияти чекланган жамиятидан (Россия Федерацияси, номи ўзгартирилган) жамият фойдасига 164 минг 214 АҚШ доллари ундирилган ва ушбу ҳал қилув қарорлари тан олиш ва ижрога қаратиш учун Россия Федерацияси арбитраж судига юборилган.

Шундай бўлса-да, Низом талабларидан келиб чиқиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризадаги талаб қаноатлантирилган. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Яна бир мисол: давлат солиқ божқармаси иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйгани учун "Ҳазортоғ" масъулияти чекланган жамиятига (тадбиркорлик субъектларининг номи ўзгартирилган) нисбатан 35 миллион 724 минг 531 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида молиявий жарима қўллашга асос бўлган ва импорт контракти бўйича хорижий ҳамкор — "КомСвав" масъулияти чекланган жамиятига (Россия Федерацияси, номи ўзгартирилган) кўчириб берилган пул маблағи жамият раҳбари ва бошқалар томонидан фирибгарлик ва ишончсизлик билан қилиш йўли билан ўзлаштирилгани, ушбу ҳолат бўйича Россия Федерацияси ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлари жиноят иши қўзғатгани аниқланган.

Мазкур ҳолатда ҳам муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юзага келишида жавобгарнинг айби йўқлиги яққол кўриниб турган бўлса-да, Низом талабидан келиб чиқиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгарга нисбатан 29 миллион 605 минг 733 сўм молиявий жарима қўлланилган. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу мисоллар орқали мамлакатимизнинг резидент тадбиркорлик субъекти айби бўлмаган ҳолда, хорижий контрагенти томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги оқибатида чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилиши, "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни олиб кириш ва расмийлаштириш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни таъминламагани учун пул маблағидан айрилиб, қайтарилмаган ўз маблағидан — товар, ишлар ва хизматларидан жарима тўлашга мажбур бўлаётганини кўриш мумкин.

Ҳуқуқнинг фундаментал принципи бўлган ижтимоий адолат нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу борада қонунчиликда бўшлиқ борлиги қўзғаш ташланади.

Шу боис, экспорт валютаси ўз вақтида келмагани учун жарима миқдорини икки бараварга қисқартириш билан бирга, Низомнинг 27-бандига экспорт ва импорт шартномаларига бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юзага келишида жавобгарнинг айби бўлмаган тақдирда жарима қўлланилмаслиги тўғрисида қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Максуд САИДОВ,

Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари

Ислохот ва самара

Ижтимоий ҳимоя — устувор вазифа

унда инсон манфаатлари мужассам



ги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Чунки аксарият ишсиз фуқаролар маълум бир касбга эга эмас. Бу эса, уларга ишга жойлаштиришда қийинчилик туғдирар эди. Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, касб-хунарга ўқитишга давлат бююртмаси каби масалалар қонуннинг қатор моддаларида акс эттирилди.

Ишсизлик нафақаси ва касб-хунарга ўқитишда тўланадиган стипендия миқдори 3,5 баробарга оширилди. Шу ўринда эътиборимизни яна бир қатор му-

Аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази ўтказган ижтимоий сўров натижалари шунини кўрсатадики, жорий йил январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари сони 19,1 миллион нафарга тенг. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,7 фоиз ёки 135,5 минг нафарга ошган.

Шунингдек, 13,2 миллион нафар киши иқтисодиётнинг турли тармоқларидан банд бўлса, 1,6 миллион киши ишга муҳтож. Яъни ишсизлик даражаси 11,1 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 16-30 ёшгача бўлганлар орасида 17,1, аёллар ўртасида эса, 14,7 фоизга тенг.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига қараганда,

учун кетаётган фуқароларга имтиёзли тариф бўйича темирйўл ва авиачипталар сотилиши жорий этилди.

Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни, айниқса, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-кизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан касб-хунарга таълими муассасаларига грантлар ажратилиш механизми, "Микрокредитбанк" томонидан Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан хунарамандчилик, қасаначилик ҳамда аёллар тадбиркорлигини микро-

исботланмаган шахс

жавобгарликка тортилиши мумкин эмас

Бузиш ишларини амалга ошириш учун пудратчилар ўртасида танлов савдолари ўтказилган. Танлов савдоларида туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда бинолари бузилаётган мактабларнинг ўзидан тузилган комиссия аъзолари, қурилиш пудрат ташкилотлари вакиллари иштирок этган.

Танлов савдолари натижалари бўйича Ф.Файзиев расмийлаштирган баёнотнома Я.Худдиев имзолаб, муҳр билан тасдиқлаб берган.

Бузиш ишлари бўйича қолиб деб топилган қурувчи ташкилот билан пудрат шартномалари тузилган. Унга қўра, пудратчи ташкилотлар томонидан бинонинг бузиш ишлари амалга оширилиб, бузишдан чиққан қурилиш материаллари санокдан ўтказилган ва яроқли-яроқсизга ажратилган. Бу ҳақда ишчи гуруҳ аъзолари далолатнома расмийлаштирган. Сўнгра консалтинг ташкилотларидан қурилиш материалларининг нархи тўғрисида хулосалар олинган ва қурилиш материаллари "кимошди" савдолари орқали сотилган.

"Кимошди" савдолари ўтказилгани тўғрисида баёнотномалар расмийлаштирилиб, савдо қолибига қурилиш материаллари юк хатлари ва счет-фактуралар билан биргаликда берилган. Сотувдан тушган пуллар тўлиқ халқ таълими бўлими ҳисоб рақамига келиб тушган. Бу эса, бузишдан чиққан иккиламчи ёғоч материалларининг 90 миллион 907 минг 100 сўмлик қамомати мавжуд эмаслиги, судланувчиларга асоссиз айб қўйилганини кўрсатади.

Суд муҳокамасида судланувчиларнинг қурилиш материалларини 94 миллион 470 минг 800 сўмга арзон нархда сотгани ҳақидаги айб ҳам исботини топмади. Бўлим ҳисоб рақамидида маблағ бўлмагани, туман ҳокимининг қарорига асосан бузиш ишлари қисқа муд-

датларда бажарилиши лозимлиги сабабли қурилиш ташкилотлари билан шартномалар расмийлаштирилган ва уларнинг маблағлари орқали бузиш ишларига лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Бузишдан тушган барча ишлатилган қурилиш материаллари баҳоловчи ташкилотларнинг хулосасига асосланиб баҳоланган, тўлиқ бўлим ҳисобига кириб қилинган, ҳеч қандай қамоматга йўл қўйилмаган.

Биринчи босқич суди судланувчиларни айблашда эски биноларни бузишдан чиққан қурилиш материаллари сарфи бўйича "Лойиҳасувқурилиш" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари С.Болтабоев ва Ф.Ҳамроқулов тузилган далолатномаларга асосланган.

Ушбу ҳолат бўйича судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган С.Болтабоев тергов органининг қарорига асосан ҳаммаси Ф.Ҳамроқулов билан халқ таълими бўлими ҳисобидаги мактабларнинг эски бинолари бузилгандан сўнг ушбу биноларни қуришда қанча қурилиш материаллари сарфлангани ҳолатини ўрганганини маълум қилди. Эски бинолар ёғочдан қурилгани сабабли уларга ишлатилган қурилиш материаллари тахминан ҳисоблаб чиқилган ва мутахассислар, мактаб директорлари, худуд маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида далолатномалар расмийлаштирилган.

Ушбу далолатномалар илмий жиҳатдан аниқ асосга эга эмас. Ана шу бирламчи далолатномаларнинг қонуний асосига эга эмаслиги ҳолати Я.Худдиев ва Ф.Файзиевнинг 90 миллион 907 минг 100 сўмлик қурилиш материалларини ҳисоб-варақ фактураларда акс эттирмасдан сотиб юборгани ҳақидаги суд хулосасини рад этади.

"Консультация эксперт баҳолаш" масъулияти чекланган жамиятида баҳоловчи

ёрдамчиси вазифасида ишловчи Н.Қўлдошев ўз кўрсатмасида бузилишдан чиққан қурилиш материалларини жойига бориб қўрмаганини билдирди.

Бухоро вилояти давлат молиявий назорат божқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари вазифасида ишловчи гувоҳ М.Келдиёров мактабларнинг фойдаланишга яроқсиз биноларини бузиш ишларининг бажаришда қонунга риоя қилинганини ўрганганини билдирди. Унинг айтишича, биноларни бузишдан ажратиб олиниб, сотилган қурилиш материалларининг бозор баҳосини Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази хулосаси ҳамда "Консультация эксперт баҳолаш" масъулияти чекланган жамиятининг 2018 йил 6 ноябрдаги хатига асосан сотилган қурилиш материалларини счет-фактурадаги нархи билан эксперт хулосасидаги емирилиш даражаси ва яроқсизлик фоизини аниқлаш ташлаган ҳолда сўмлаштириб, 185 миллион 378 минг 100 сўмлик қамоматни ҳисоблагани, бироқ қурилишдан чиққан материалларни қўрмаганини билдирди.

— Мен "Баҳолаш ва консалтинг маркази" масъулияти чекланган жамияти раҳбари вазифасида ишлайман, — деди судда гувоҳ А.Сиддиқов. — Иш бўйича Х.Сулаймонова номидаги экспертиза маркази томонидан берилган баҳолаш хулосасини нотўғри деб ҳисоблайман. Чунки унда қурилиш материаллари жойига бориб қўрилмаган ва ўрганилмаган ҳолда баҳоланган.

Судлов ҳайъати судланувчиларни кўп миқдордаги давлат мулкни талон-торож қилганлиқда айблаш учун асос қилиб олинган қурилиш материаллари сарфи юзасидан тузилган далолатномаларда тахминий маълумотлар акс эттирилгани учун уларни далиллар мажмуидан чиқариб ташлади.

Иш ҳолатларидан кўринишича, халқ таълими бўлими ҳисобидида 3, 11, 12, 13, 21, 22, 29 ва 41-сонли мактабларнинг биноларини бузишдан чиққан қурилиш материаллари "кимошди" савдоси қолиблари томонидан "Консалт Бухоро" ва "Бухоро Баҳолаш ва консалтинг маркази" масъулияти чеклан-

ган жамиятлари баҳолаган нархлар асосида харид қилинган ҳамда сотувдан тушган 174 миллион 908 минг 400 сўм маблағ халқ таълими бўлими ҳисоб рақамига кириб қилинган.

Бу эса, Я.Худдиев ва Ф.Файзиевга нисбатан ўзлаштириш ва растарата йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказганлиги айби эпизоднинг асоссизлигини далиллабди. Судлов ҳайъати судланувчиларнинг ҳаракатларида фақат тўғри қасд билан содир қилинадиган, қурилиш материалларини ўзлаштириш усули сифатидаги мансаб сохтакорлиги ёки давлат ва жамоат манфаатларига кўп миқдордаги зарар етказиб жиддий зиён етказилишида ифодаланган мансабдорлик жинояти таркиби ҳам мавжуд эмас, деб ҳисоблади.

Жиноят процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳужми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас. Ишда тутилган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олингани сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги ҳақидаги шубҳани бартараф қилишнинг имконияти йўқлиги ҳақидаги суднинг асосланган хулосаси оқлов ҳужми чиқариш учун асос бўлади. Бундан ташқари қилмишда жиноят таркиби бўлмаган шахс айбсиз деб топилгани керак.

Судлов ҳайъати қайд этилган асослардан келиб чиқиб, Я.Худдиев ва Ф.Файзиевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмас, деб топди ва Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят ишини тутатиш тўғрисида ажрим чиқарди. Шу тариқа Янгибой Худдиев ва Ғофуржон Файзиев айбсиз деб топилди, оқланди.

Биринчи элик саккиз, иккинчиси олти миш олти ёшга тулган, фарзанд ва набираларга бош икки инсоннинг оқлов ажрини тўғайли юзи ёғур бўлди. Улар бундай инсонпарварлик намунасини умр бўйи унутишмади.

ЛУҚМОН КОДИРОВ,

Бухоро вилояти суди раиси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" мухбири

Қадрият

Рамазон
фазилятлари

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: "Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ аза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари ёпилади. Узабошимча шайтонлар кишанланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир.

Бу ойнинг аввали раҳматдир, ўртаси мағфират ва охири эса дўзахдан нажотдир.

Рамазон ойида мўминнинг руҳи зиёда бўлиши билан берилади. Кимки, бу муборак ойда рўзадорга ифторлик қилиб берса, унинг гуноҳлари кечирилади ва дўзахдан озод бўлади.

Кимки, рўзадорни бир хўлам сут билан ёки бир донна хўро билан ёки бир қўлтиқ сув билан бўлса ҳам овгани очтирса, Аллоҳ таоло унга ўзи биладиган даражада савоб ёзади. Ва кимки, бир рўзадорни тўйдирса, уни Парвардигори олам гуноҳларини кечиради, ичгандан кейин ҳечам чанқамайдиган оби кавсардан ичиради ва ҳатто жаннатга кирилади. Унга ҳам рўзадорнинг савобидан қисқартирилмаган ҳолда шунча савоб берилади".

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.

Ақл — Яратган инсонга ато этган бебаҳо неъматлардан бири. Ундан эзгулик ёки ёвузлик мақсадига фойдаланиш одамнинг ўзига боқлиқ. Бошқача айтганда, кимдир ақлини яхшилик учун сарфласа, бошқа биров ундан ёмонлик қилиш учун фойдаланади. Қуйидаги мисоллар макр ёрдамида бойлиқ орттиришни қўзлаган кимсаларнинг қилмиши ҳақида.

Қизилтепалик Гулҳаё Бузукова (исми-шарифлар ўзгартирилди) дугонаси Комила Жамиловага Ҳумоюн исми йигит билан таништириб қўйишга ваъда беради. Тенгкур дугоналари турмуш қуриб кетаётгани боис Комила ҳам бунга қаршилиқ қилмайди. Шундан сўнг "Ҳумоюн" Камолага кўнғироқ қилади. Улар қарийб икки ой мобайнида ғойибона "ишқий" муносабатда бўлишади. Охир-оқибат иш шу даражага бориб етадики, кунларнинг бирида "Ҳумоюн" "суюқлиси"нинг яланғоч суратини "Телеграм" ижтимоий тармоғидаги манзилга юборишни сўрайди. У бунга бўлса ҳам "умр йўлдоши" танасидаги қижаккина нўқсон ҳам келгусидаги оилавий турмушга раҳна солиши мумкинлиги ва бу ҳол юз бермаслиги учун унинг соғломлигини ўз кўзи билан кўриб, кейин уйланиш истаги билан изоҳлайди. Эс-хушидан айрилган Комила унинг талабини бироз оғриниб қабул қилган бўлса-да, жисми нўқсондан холи эканини исботлаш учун бунга розилик билдиради. Аммо шундан сўнг воқеалар ривожини бошқача тус олади. Аникроғи, Гулҳаё Комилани маиший бузуқликда айблай бошлади. У Комиланинг "Ҳумоюн"га жўнатган суратини ота-онаси, яқинлари кў-

Қонун қўмағи

Бекор бўлган буйруқ

суд ноқонуний бўлганлиги ҳодимни ишга тикланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз ишга фидойилик билан ёндашган О.Парпиева тез орада жамоасида ҳам, миждозлар олдида ҳам ҳурмат-эътибор қозонади. Бироқ сентябрь ойида унинг тоби қочиб қолди. Шунинг учун у 2019 йил 6 сентябрдан 16 сентябргача, шунингдек, 19 сентябрдан 29 сентябрга қадар — 2 марта 10 кундан меҳнатга лаёқатсизлик таътилига чиқди. Таътил муддати тугагач, меҳнатга лаёқатсизлик тўғрисидаги қасаллик варақасини олиб, банкка боради. Бироқ филиал мутасаддилари уни ноҳуш қарши олишади.

— Сизнинг шатингиз қисқартирилиб, Учқўприк тумани филиалига ўтказилди. Шунинг учун энди Учқўприк туманига бориб ишлайсиз, — деди Бувайда филиали масъул ходими.

Албатта, О.Парпиева филиал масъул ходимига эътироз билдирмайди, балки "Халқ банки"нинг Учқўприк тумани филиалига мутасаддиларига учраб, ишга келганини айтиди. Бироқ Учқўприк тумани филиали мутасаддилари унга ҳали шахсий йиғма жилди етиб келмаганини билдириб, ишга қабул қилишмайди. Хуллас, шу тариқа О.Парпиеванинг овозгарчилиги бошланади. Аникроғи, у икки туман филиалига ҳам ишга қабул қилинмайди. Аксинча, 2019 йилнинг декабрь ойида банкнинг Бувайда филиали томонидан унга Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисм 1-бандига асосан оғоҳлантириш хати юборилади. Лекин оғоҳлантириш хатида на сана, на рўйхат рақами кўрсатилган эди.

О.Парпиева бундан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бувайда туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилди.



Халқ қабулхонаси эса, мазкур мурожаатни туман аҳоли бандлигига қўмақлашиш марказига юборди.

О.Парпиеванинг мурожаати марказ ходимлари томонидан ўрганилганда "Халқ банки"нинг Бувайда филиали мутасаддилари қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйишгани аниқланди. Энг ачинарлиси, банк филиали мутасаддилари аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишга белисандилик билан қарашди. Фақат улар О.Парпиевага бир йиллик иш ҳақи тўлаш ҳақида маълумот беришди, холос.

Аммо бир йиллик иш ҳақи ҳам қозғоғда қолиб кетди. Оқибатда бояқиш аёл ҳам моддий, ҳам руҳий жиҳатдан қийналди. Бинобарин, у банкнинг Бувайда тумани филиалига ишга қайтиши ҳақида почта алоқа тармоғи орқали ариза берди. Бунга жавобан эса, банк филиалидан 2020 йил 7 сентябрдан ишдан бўшатилгани ҳақидаги хабарни олди.

Шундан сўнг О.Парпиева фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Халқ банки"нинг Бувайда филиалига сайёр касса кассири лавозимига ишга тик-

лаш, 2019 йил сентябрдан 2020 йил сентябрь ойигача мажбурий проғул юргани учун 10.344.000 сўм иш ҳақи ҳамда 6.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни сўради.

Буни қарангки, суд мажлисида ҳам жавобгар томон ўз фикридан қайтмади. Яъни банк филиали юридик бўлими бош юристконсультанти З.Фулмонқодиров О.Парпиеванинг иш ўрни қисқариб кетгани, бу ҳақда қасаба уюшмасининг йиғилиши ҳам ўтказилиб, ходимга юборилганини қайд этиб, даъво талабини рад қилишни сўради. "Ўзи хон, қўланкаси майдон" филиал бошқарувчиси эса, белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади.

Суд жараёнида маълум бўлдики, "Халқ банки" бошқарувининг 2019 йил 28 августдаги 104/5-сонли қарори билан штатларини кўриб чиқиш комиссиясининг шу кунги 3-сонли қарори маъқулланган. Унга қўра, туман филиаллари штатлар жадалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, банкнинг Бувайда филиалида 28 та штат бирлиги қисқартирилган ҳолда Учқўприк филиалига 25 та штат бирлиги қўшиб берилган. Аммо

шунда ҳам негадир О.Парпиева эътибордан четда қолган.


Айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-бандига қўра, технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёхуд корхонанинг тугатилгани муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) оғоҳлантириши шарт. Қолаверса, бу борада бошланғич қасаба уюшма қўмитаси розилигига ҳам талаб этилади. "Халқ банки" Бувайда тумани филиали мутасаддилари ушбу қонун талабларига риоя этишмаган. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди О.Парпиеванинг даъвосини қаноатлантириб, "Халқ банки" Бувайда тумани филиалининг 2020 йил 7 сентябрдаги 224к-сонли буйруғини гафийқонуний деб топиб, О.Парпиевани банк филиалининг сайёр касса кассири лавозимига ишга тиклаш ва унинг фойдасига 10.344.000 иш ҳақи ҳамда 500.000 сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Қўқоннинг турганидек, қонун талабларига риоя этмаслик банк мутасаддиларига қимматга тушди. Ўзи ёмон, бу ҳолат бир ходимнинг узоқ вақт сарсонгарчилигига сабаб бўлди. Шу боис ҳамша қонунга буйсуниш шарт.

Ўткиржон ИСМОИЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Қўқон туманлараро
суд раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Жиноятга жазо муқаррар

Макр тузоғи



риб қолса, унинг оқибати ниҳоятда ёмон бўлиши ҳақида оғоҳлантиради. Комила Гулҳаёга ялиниб-ёлвориб, сурат билан боғлиқ сирни ҳеч кимга ошкор этмаслигини илтимос қилади. Бундай оҳангдаги ўтинчлардан сўнг Гулҳаё шаштидан тушади. Бироқ ўртага анча оғир шарт қўяди. У сир сирлигича қолиши учун Комиладан 3700 АҚШ доллари ва 20 миллион сўмлик тилла тақинчоқларни талаб қилади. Комила шаънини сақлаш учун Гулҳаёнинг шартига рози бўлади. Лекин талаб қилинган миқдордаги пул ва ота-онаси қўлида сақланаётган тақинчоқларини Гулҳаёга беришнинг иложини тополмайди. Аммо кейинчалик Гулҳаёнинг қис-товлари жонидан ўтгач, Комила кеч

бўлса-да, ўзини қўлга олади. Бошидан кечирган воқеаларни ўз яқинларига маълум қилгач, уларнинг маслаҳати билан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идорага мурожаат этади. Тезкор тадбир режасига асосан Гулҳаё Комиладан 200 АҚШ долларини олганда қўлга олинди. Тергов чоғида Гулҳаёнинг макри фош этилди. Маълум бўлишича, Гулҳаё замонавий алоқа технологияси ёрдамида га-разли мақсадни амалга оширмоқчи бўлган экан. Аслида у Комилага мобил қўл телефони ёрдамида овозни ўзгартирган ҳолда ўзини "Ҳумоюн" сифатида таништирган. Комила эса, бундай макр тузоғига дарҳол иллинг. Ҳаётда ҳеч қандай "Ҳумоюн" деган йигит бўлмаган.

Жиззахлик Гулмира Суярова ҳам хийла-макр йўли билан мўмай даромад топомқчи бўлди. У икки йил муқаддам бухоролик Ахрор Рашидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан пинҳона ишқий муносабатларга киришди. Гулмира оиласидан ажрашгач, Ахрорнинг таклифига биноан Бухоро шаҳридаги ижара уйида яшай бошлади. Оилали Ахрор унга мўмайгина пул бериб турса-да, бу Гулмирани қаноатлантирмади. У Ахрорга "ишқий" муносабатлар чоғида қасаллик орттиргани"ни маълум қилиб, уни даволаш учун катта миқдорда пул сўради. Аммо Ахрор бунча пулни беролмаслигини айтгач, орадаги сирни унинг оила аъзоларига ошкор этиши билан таҳдид қилди. Собик "суюқлиси"нинг бундай таҳдидли иттифоқидан безган Ахрор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага Гулмиранинг товламачилиги юзасидан ариза ёзди. Шунга асосан Гулмира Ахрордан 3 миллион сўмни олаётганда қўлга олинди.

Тергов ва суд муҳокамасида макр ёрдамида мўмай даромад олишни қўзлаган аёлларнинг жиноий қирдорлари тўлиқ фош этилди.

Суд товламачилик жиноятини содир этган Гулҳаё Бузукованинг айбини Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "б" банди, Гулмира Суярованинг қилмишини мазкур модданинг 1-қисми билан малакалади. Гулҳаё Бузукова 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Г.Суяровага эса, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шу тариқа ақлини ёвуз мақсадга хизмат қилдирган кимсалар қилмишига яраша қонуний жазоланди. Улар ўзлари қазиган чоғга қулашди.

Бобур УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Ғижувон тумани суди раиси
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Ҳаётда ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бола воёга етар экан, оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбия масъулиятининг ҳис этмаслиги, эътиборсизлик ва лоқайдлик каби иллатлар унинг охир-оқибат жиноят кўчасига киришига сабаб бўлади.

Қуйида баён этиладиган воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Жиноят ва жазо

Эгри йўлга
бош қўшганлар

Отасининг ичкиликка берилгани туфайли оиласи бузилган, Нодир онасининг қарамоғида қолди. У амал-тақал қилиб, мактабни битиргач, бирор-бир ўқиш ёки касбнинг этагини туттишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмади. Бунинг устига оилада унга тўғри йўл кўрсатадиган, интилишларини қўллаб-қувватлайдиган, рағбат берадиган одам йўқ, ёлғиз онаси рўзгор ташвишидан ортмасди. Нодир ана шундай назоратсизлик ва лоқайдлик оқибатида кўчада ўзига ўхшаб бемақсад сандирақлаб юрадиган болалар тўдасига қўшилди.

Бу орада Нодир ана шундай безори болаларга қўшилиб, жиноий қилмишга қўл урди. Шунинг оқибатида жиноий жавобгарликка ҳам тортилди. Аммо у бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармади. "Ўрганган қўнғил ўртанса қўймас", деганларидек, яна эски "қадрдонлар"га қўшилиб, жиноят кўчасига кирди.

Ҳўш, кейинги жиноятларини у қандай содир этди?

У Ўткир Даминов бошчилигида жиноий уюшмага қўшилиб ва бир қатор оғир жиноятларни содир этади. Жиноий гуруҳ дастлаб Ғузор туманида жойлашган "Асрорбек Шаҳзодбек" хусусий мажмуасига босқинчилик уюштирди.

Тўдабоши Ўткир Боймуродовнинг топшириғига қўра, Нодир ва Ботир Маҳмудов ярим тунда хусусий савдо мажмуаси олдида пайдо бўлишади. Буни қарангки, одамийлик қиёфасини буткул йўқотган босқинчилар мажмуа қоровули Нозим Худойкуловни уриб-дўппослаб, сўнг қўлоғини арқон билан боғлаб ташлашади. Кейин эса, савдо мажмуаси эшигини бузиб, ичкарига киришади ва 31 миллион 020 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлаб, воқеа жойидан ғойиб бўлишади.

Одатда, барчамиз азим шаҳар Тошкентга сайру саёр-хатта боришни ният қиламиз. Таассуфки, бу уч ҳамтовок чиркин муддаоларини амалга ошириш учун Тошкентга йўл олишади. Босқинчилар пойтахтга етиб келишгач, Заңгирота туманидаги "Эшонгузар" маҳалласи ҳудудида жойлашган Бахтиёр Шерматовга қарашли "PAYNET" шохбчасининг эшигини бузиб, компьютер жамланмалари ҳамда 200 минг сўм нақд пулни талон-торож қилишади.

Шундан сўнг бу қилмишнинг "ҳиди" чиқмаганидан ўзларича масрур бўлган жиноий шериклар янги "ўлжалар" ҳақида бош қотиришади.

Улар навбатдаги жиноятни амалга оширишда Ғузор туманида яшовчи ака-ука Акбар ва Анвар Мирзаевларни ҳам ўзларига шерик қилиб

олишади.

Бу гал жиноий гуруҳ Янгийўл туманига қарашли "Намуна" маҳалласига йўл олади. Олдиндан тузилган жиноий режага қўра, босқинчилар икки нафар фарзанди билан яшайдиган Гулнорза Ҳазратованинг уйига киришади. Шундан сўнг босқинчилар Г.Ҳазратовани дўк-пўписа қилиб, уни ўлдириш йўли билан қўрқитишади. Шўрлик аёл азбаройи қўрқиб кетганидан тили калимага айланмайди. Норасида гўдақлар эса, қўрқувдан дағ-дағ қалтираб, йиғлашга тушишади. Босқинчилар эса, хонадондан қимматбаҳо кийим-кечақлар, шунингдек, 164 минг сўм пулни ўмариб ғойиб бўлишади.

Ха, бу ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш, у қай қўринишда бўлмасин, беиз қатмаслиги тайин. Тўғри йўл қолиб, тубанлик йўлини ихтиёр этган "ҳаммаслақлар"нинг қирдорлари ҳам ана шундай яқун топди.

Хайриятки, шаҳар бедарвоза эмас. Ички ишлар ходимларининг тергов сай-ҳаракатлари туфайли орадан кўп ўтмай жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Узоқ давом этган тергов ва суриштирув жараёнида ҳамтовокларнинг барча жиноий қилмишлари фош бўлди.

Суд жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан узоқ муддатли қамоқ жазосини тайинлаш билан бирга жабрланувчиларга етказилган моддий зарарини солидар тартибда ундириш тўғрисида ҳукм чиқарди. Яна бир гап. Биз бежизга мақоламиз аввалда жиноий гуруҳ аъзоси, судланувчи Нодир Боймуродов ҳақида батафсил тўхталмадик. Чўнки у биринчи босқин судининг ҳукмидан норози бўлиб, қассация шикоятни ёзди. Унинг қассация шикояти Қашқадарё вилояти судида батафсил қўриб чиқилди. Аммо қассация шикоятида келтирилган важлар ўз тасдиғини топмади.

Айтиш керакки, нопок қилмиш азалдан ҳеч кимга наф келтирмаган. Шу боис ҳаром бойлиқ орттириш илжинида ҳаётнинг пучмоқ қўчаларида тентираган кимсалар пайти қилиб, албатта, қилмишига яраша жазо олади. Шундай экан, фақат ҳалол меҳнат, эзгу ва хайрли амаллар инсон умрини безаш билан бирга, кўнгил хотиржамлиги, оила ободлиги ва фаровонлигини таъминлашини унутмаслик керак. Аслида яшашнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда.

Ҳамид БОБОКУЛОВ,
Қашқадарё вилояти
суду судьяси
Абдунаби БОБОЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий судиБош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВГазета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВБахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВСаҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВГазета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўғон кўчаси, 41-уй.
Манзилнинг: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яхша тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-415 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6553
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23⁰⁰. Топширилди: 2⁰⁰.